

Уламоларимиз Зомин туманига ташриф буюрдилар



19:30 / 14.08.2021 1882

Бугун 14 август куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг биринчи ўринбосари Ҳомиджон домла Ишматбеков Зомин туманидаги «Маърифатли» масжидига пешин намозига ташриф буюрди.

Маъруза шукроналик, Аллоҳ аzza ва жаллага тақво қилиш, Унга тоат ва илтижода бўлиш мавзусида бўлди.

Суҳбат савол-жавобларга бой бўлди. Яқунда хайрли дуолар қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари Иброҳимжон домла Иномов Зомин туманидаги «Исоҳон ота» масжидига пешин намозига ташриф буюриб, йиғилган жамоатга юртимизда диний-маърифий соҳадаги сўнгги янгиликлар ҳақида хабардор қилиб, ёшлар

тарбияси мавзусида ажойиб маъруза қилдилар.

Бундан ташқари, бир гуруҳ уламолар, хусусан, Ўзбекистон халқаро ислом академияси фахрий доктори, Аброр Мухтор Алий домла «Усмон ибн Аффон» жоме масжидига ташриф буюриб, «Мазҳабсизликнинг салбий оқибатлари» мавзусида, Тошкент шаҳри «Сирож Солиҳ» жоме масжиди имом-хатиби Ҳасан домла Қодиров «Умар ибн Хаттоб» жоме масжидида «Бандаларнинг Аллоҳ таолога севимлироғи шукрли ва сабрлиларидир» мавзусида, Қуръон ҳофизи, устоз, шайх Алижон қори Зомин туманидаги «Хўжа Рушноий» ҳамда «Маърифатли» жоме масжидига ташриф буюриб, илмий суҳбатлар қилиб бердилар.

Ҳар бир уламоларимизнинг суҳбатлари сўнгида жамоат ила хайрли дуолар қилинди.